

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ БУГУНГИ ХАЁТИ

Sayidazimov Asroriddin Tohirjon o‘g‘li

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi

Ёшлар — ҳар қандай жамиятнинг эртаси. Улар том маънода, Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Зеро, янги Ўзбекистон ёшлари — келажагимиз ва истиқболимиз пойдеворидир.

Бугун юртимизда уларнинг замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаши учун барча куч ва имкониятлар ишга солинаётгани, хусусан, Президент ва ижод мактаблари ташкил этилаётгани замирида катта маъно мужассам. Ҳозир биз замонавий талаблар асосида жиҳозланган, барча шарт-шароитларга эга ўқув биноларида таълим олаётган ёшларнинг ютуқлари билан ҳақли равишда фахрлана оламиз.

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деб таъкидлаганлар. XXI аср ахборот технологиялари ниҳоятда ривожланган даврdir. Бу асрда компьютер технологиялари, интернет ўз тараққиётининг чўққисига етди. Бугун ёшларнинг асосий қисми глобал тармоқдан фаол фойдаланишадилар. Бундай шароитда ёшларнингкитоб ўқиш маданияти, қадрияти сустлашиб бораётгани кишини хавотирлантариради. Ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда китобхонликни ўрни ниҳоятда муҳимдир. Китоб мутолаа қилиш ёшларни теран фикрлашига, дунёқарашини кенгайишига, интеллектуал салоҳиятини ошишига, нутқини ўсишига, хотирасини мустаҳкамланишига ижобий таъсир қиласи. Кўп китоб ўқийдиган инсонлар ҳаётда фаол бўлишади, уларнинг мия фаолияти анча ривожланган бўлади.

Давлат раҳбари ўз интервьюси орқали ёшларимизга халқнинг асосий таянчи ва суюнчи сифатида қатъий ишонч билдираётгани, кенг қўламли ислоҳотларни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч эканлигини таъкид этганлиги - келажак ворисларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яққол ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январьдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга асосан Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ва Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича тасдиқланди. - Ушбу «йўл харитаси»га асосан болалар хуқуқларини ҳимоя қилиш

борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Болалар Омбудсмани тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш;

- Ўзбекистон ёшлари порталини ташкил этиш ва унда ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индекслари, ёшларга оид қонун хужжатлари базасини ва «Ёшлар мурожаати» электрон платформасини шакллантириш;

- «Ёшлар: 1+1» дастури доирасида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш;

- «Хунарли киши хор бўлмас» ғояси асосида уста хунармандлар қўлида ишсиз ёшларга касб-хунар ўргатиш мақсадида ҳудудларда «устоз-шогирд» анъанасини янги тизимда жорий этиш каби бир қатор вазифалар белгаилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июньдаги “ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 312 сон Қарорига асосан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди. “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари қўйидагиларга:

“Ёшлар дафтари”га киритилган моддий аҳволи қийин ёшларга БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатишга;

ёшларни тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланадиган харажатларнинг 75 фоизигача қисмини қоплашга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини кўпи билан бир йилда БҲМнинг 25 бараваригача миқдорда қоплашга;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлиш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

мамлакатимиздаги ОТМда ўқиётган “Темир дафтар”га киритилган оиласар фарзандлари тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб беришга;

“Темир дафтар”га киритилган оиласарнинг аҳволи оғир бўлган бемор фарзандларига мамлакатда ёки хорижий давлатда даволаниш билан боғлиқ харажатларни БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қоплашга йўналтирилади.

Шунингдек мазкур қарор ижроси бўйича Ёшлар ишлари агентлиги туман(шаҳар) бўлимлари “Ёшлар дафтари” жамғармасининг ишчи органи ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, агар жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало, таълим тизимидан бошланганини кўрамиз. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактабдир. Шу жиҳатдан мактаблардаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши лозим. Соҳада давлат-хусусий шерикчилиги ва хусусий хизматларни жадал ривожлантириш ҳисобидан болалар учун спорт, мусиқа ва

санъат мактаблари қурилишини қўллаб-қувватлаш, айниқса, инглиз тили, информатика, математика ва бошқа талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш соҳасида хусусий секторнинг улкан имкониятларини ишга солиш қисқа вақтда албатта, ўз смарасини беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Г.Ҳ.Тиллаева, XXI АСР – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР АСРИ мавзусидаги Республика илмий ва илмий-техник анжуман 30 март 2018 йил. Ўзбекистон Фанлар академияси
2. Шоамирова Ю. Ўзбек оиласи маънавияти тарихига бир назар. //Жамият ва бошқарув. 2002. 4-сон.
3. <http://buxoro.adliya.uz>
4. <http://uzbekistan24.uz>
5. <https://uza.uz>